





ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

1-сон
2011



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

илмий журнали

2000 йилдан бошлаб чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан иқтисод фанлари доктори ва иқтисод фанлари номзодлари илмий даражаларини ҳимоя қилишда мақолалари ҳисобга олинadиган журналлар рўйхатига киритилган

2 ОЙДА БИР МАРТА ЧОП ЭТИЛАДИ

февраль **1** 2011

ТАЪСИСЧИ:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

ТОШКЕНТ

МУНДАРИЖА

I. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ, ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Исмаилов О.	Озиқ-овқат саноати таснифи ва унинг миллий иқтисодиётдаги ўрни.....	4
Набиева Н.	Маҳсулотлар экспорт ва импортида сугурта компаниялари.....	5
Ўлдошев Н.	Глобаллашувнинг моҳияти, кўринишлари ва оқибатлари.....	7
Рўзиёв Н.	Сугурта хизматлари бозори фаолияти самарадорлигини ошириш масалалари.....	9
Абдураманов Х.	Кексалар ижтимоий химоя тизимини ривожлантириш.....	11
Шоахмедов Ш.	Мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг божхона механизми.....	13
Ахмедова Д.	Ўзбекистонда аҳоли пул жамғармаларининг ўсиши ва таркибий тузилиши.....	16
Мирзакаримова М.	“Норасмий бандлик” тушунчаси: вужудга келиш сабаблари ва оқибатлари.....	18
Джалилова М.	Ўзбекистон сугурта бозорининг ривожланиш муаммолари.....	19
Рахимов Т.	Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегиясини бошқариш.....	21
Ражабов Ў.	Ижтимоий хизматлар соҳаси ва уларнинг гуруҳланиши.....	23

II. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Эгамбердиев Р., Муродхўжаева Ф.	Қишлоқ жойларда кичик саноат корхоналари жойлашуви ва ривожланишининг услубий асослари.....	26
Мирзаев Қ.	Дехқончиликни ривожлантиришда агросервис хизматлари самарадорлиги.....	27
Айбешев Х., Эргашев С.	Иқтисодий ислохотлар шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш.....	29
Имомов Ж., Юнусова М.	Тадбиркорлик ривожланишида аграр соҳанинг ўрни.....	31

III. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

Муродова Н.	Тадбиркорликнинг иқтисодий мазмуни, афзалликлари ва ўзига хос хусусиятлари.....	36
Абдуллаев А.	Кичик тадбиркорлик соҳаси тузилмалари ривожланишининг башорати.....	38
Умарходжаева М., Абдиев Б.	Саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари.....	39
Акбаров И.	Юқ транспорт хизматининг иқтисодий баҳолаш механизмини мукамаллаштириш.....	41
Камилова Ф.	Меҳмонхона хизматлари самарадорлигини оширишда рақобатдошлик.....	43
Миртурсунов С.	Лизинг как форма эффективного взаимодействия реального и финансового секторов экономики.....	45
Абдуллаев И.	Прогнозирование развития электроэнергетики в Республике Узбекистан.....	48
Мухитдинов Д., Касимова Ф.	Лизинг – взаимные выгоды партнёров.....	50
Ғойибназаров Б., Иноятов У.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг устувор ривожланиши – иқтисодий юқсалиш омили.....	52
Мурадов И., Давронов И.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни такомиллаштириш масалалари.....	54
Пўлатова С., Қобилова Н.	Иқтисодий ислохотлар шароитида хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари.....	56
Ўроқов Ж.	Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантириш.....	58
Тиллаходжаев А.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш.....	60
Юсунов С., Умарова Г.	Приоритетные направления развития легкой промышленности Узбекистана.....	62

IV. МАРКЕТИНГ ВА МЕНЕЖМЕНТ

Алимов К.	Совершенствование качества подготовки управленческих решений.....	65
Амонбосев М.	Енгил саноатда корпоратив бошқарувнинг институционал асослари.....	67
Болтабаев М., Ғиязова Н.	Корхоналарда интеграциялашган маркетинг коммуникациясини бошқариш стратегиялари.....	68
Дехқонов М.	Корхоналарни бошқаришни модернизациялашнинг иқтисодий-математик моделларини тузиш.....	70

V. МОЛИЯ, БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

Юлдашев К.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтиришда хусусий секторнинг молиявий барқарорлигидан самарали фойдаланиш.....	73
Аликулов А.	Минтақавий пахта терминалларида асосий фаолият харажатлари ҳисобини такомиллаштириш.....	74
Эшназаров Т., Кобилов Б.	Казначейство в системе государственного финансового контроля.....	76
Ишмурадов С.	Сугурта компаниялари фаолиятининг молиявий бошқарувини ташкил этиш.....	78
Ахмедиева А.	Сравнительный анализ методик и расчета лизинговых платежей.....	80

Шунга қарамай, расмий тузилмаларнинг юзага келиши даври уларга жиддий эътибор қаратишнинг характери ва суръатига, уни давлат миқёсида ишлаб чиқиш ва таъминлашга боғлиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Тузилмаларнинг юзага келиш даври икки компонентдан ташкил топган трансформацион сарф-ҳаражатларга боғлиқ бўлиб, бир томондан, янги тартиб-қоидаларни ўзлаштиришга ишлатиладиган ягона маблағлар (улар ҳақидаги маълумотлар ва амалий ўрганишга кетадиган сарфлар)ни, иккинчи томондан, жорий тартиблар қўлланишга бевосита ва бавосита ҳаражатларни қўшган ҳолда сарфланадиган ҳаражатларни ўз ичига олади. Борди-ю иқтисодий агентлар доираси кўпчиликдан иборат бўлса, янги тартиб-қоидалар асосида бошқа кишиларнинг хулқ-атвори тўғрисида олдиндан прогноз қилиш ва ўз фойдаси улушини кўтаришнинг имконияти ҳам юзага келади, оқибатда бу жараён узок вақт оммавий тус олиши мумкин. Тузилмага талаб ва эҳтиёж йўқ шароитда эса лавозимни эгаллаш ва унинг барҳам топишига ўрин бўлмаслиги ўз-ўзидан равишан.

Тузилма ривожланишига омиллар жиҳатидан ёндашув унинг таъсирчан асослари ўртасида ўзаро алоқадорликни белгилаб олишни назарда тутади. Бу ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, тузилма ривожланишининг келажагини баҳолаш муҳим ва нисбатан турғун тенденцияларни, тараққиёт динамикасини омил ва параметрлар билан ўзгартириш асосида юз беришини акс эттиради. Тузилмалар ривожланиши ва уларнинг асослари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик орқали белгиланувчи параметрларнинг вақтдаги ўзгаришини инъикос этиш омилларга тобелликни тренд соҳасига олиб киришга имкон беради. Аввалда кўрдикки, баҳоларнинг иқтисодий захираларга нисбатан ўзгариши, аҳоли демографияси, билимлар даражаси тузилмаларни ривожлантирувчи омиллар соҳасига киради. Умуман олганда, институционал ўзгаришларга таълим жараёнида билимларни бойитиш, технологияларни ўзгартириш, бизнесни ташкиллаш ва бошқариш билан эришилади.

Тузилмалар ҳақида прогноз қилишнинг генетик ёндашуви иқтисоддаги турғун тенденцияларга асосланади. Улар тараққиётга хос инерцион ҳолатларини акс эттиради, ўтмиш, бугун ва келгусининг тобелликка ўтишига олиб келади. Бошқача сўз билан айтганда, эволюцион деб аталувчи бундай ёндашув янги тузилмалар куруқ жойда эмас, балки мавжуд тартиб-қоидалар жараёнида юзага келишини аниқлатади. Бунга норасмий чекланган легализация билан боғлиқ вазиятларни, яъни шундай чекланишларнинг қонун кучига суяниб, расмий чегараланишга айланишини мисол тариқасида келтирадилар. Аниқлашдики, генетик ёндашув ёрдамида расмий тузилмалар амалдаги норасмий қонун-қоидалар яратиш даражасини прогноз қилиш мумкин. Бироқ, иқтисодий тизим ривожланишининг нотекислиги ва динамиқлиги тузилмаларнинг табиий эволюцияси натижалари бир хил бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

Тузилмалар ривожланиши ҳақида прогноз қилиш жамоавий ва ташкилий фаолиятдан иборат қўл босқичли мураккаб жараёнлир. Кичик тадбиркорлик ҳақида институционал прогноз қилиш хусусиятларига асосланиб, унинг қуйидаги босқичларини кўрсатиб ўтиш лозим: институционал ўзгаришларнинг асосий мақсад ва устуворликларини асослаш; институционал ўзгаришларнинг муваққат манфаатларини аниқлаш; юзага келган мураккаб қонуниятлар ва тузилма ривожланишида пайдо бўлгандиган тенденцияларни тадқиқот объекти сифатида таҳлил қилиш; прогноз қилишда энг маъқул ва қулай ёндашувни танлаб олиш; сабаб-оқибатли алоқа ва тобелликни, прогноз қилишнинг тури ва усулини ҳисобга олиб, асосий ахборотнинг таркиби ва манбаларини аниқлаб олиш; ҳаққоний ахборот тўплаш, унинг ишончлилиги, тўлақонлиги, баҳорат қилишда фойдаланиш имкониятларини баҳолаш; тузилма ривожланишининг эҳтимол қилинган режасини тайёрлаш; прогноз натижаларини баҳолаш, тузилманинг ривожланиш режасига тегишли ўзгартиришлар киритиш, энг маъқул вариантни танлаш.

Кичик бизнес соҳасида институционал ўзгаришлар ҳақида прогноз қилиш мураккаб тарзда юз берадиган сабаб-оқибат алоқалари билан боғланган бўлиб, муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Тузилмалар ривожланишининг пировард натижалари кўпшаб омилларга боғлиқ бўлади. Уларни ташқи ва ички, объектив ва субъектив, бошқариладиган ва бошқариб бўлмас, сабабий алоқадор ва эҳтимоли бор турларга бўлиш мумкин. Ўзаро алоқадорликни эса бирламчи асосий ахборот таҳлил қилиш жараёнида ҳар томонлама кўриб чиқиш лозим. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, тузилмалар ривожланиши ҳақида прогноз қилиш ўта мураккаб. Шундай бўлишига қарамай, прогноз берадиган натижалар кичик бизнес соҳаси тузилмалари ривожланишида самарасиз йўллар бўлиши эҳтимоллигидан огоҳлантириш учун, шунингдек, келгусида янги тузилмалар пайдо бўлишини тасаввур қилиш учун ҳам жуда зарур.

И.ф.н. доц. М. Умарходжаева, асп. Б. Абдиев

Саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари

Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини Ўзбекистон шароитида камайтириш ва кейинчалик бартараф этиш масаласи бугунги куннинг долзарб вазифаларилан биридир. Ушбу муаммони бартараф этиш йўллари Президентимиз И.А.Каримовнинг "Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида батафсил ёритилган.


Шу маънода давлатимиз рахбари таъкидлаганларидек, "... биз ўз олдимизга қўйган узок муддатли стратегик максадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар каторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуктаи назаридан ҳолисона баҳо беришимиз табиийдир"¹.

Ёдда тутиш лозимки, маънавий эскирган ва инновацион жиҳатдан талабга жавоб бермайдиган, ўтган асрнинг 60–80-йилларидаги ишлаб чиқариш дастгоҳи ва станоклари билан қуролланган ҳар қандай ишлаб чиқариш тармоқларида сифат менежменти тизимини шакллантириш орқали рақобатбардош ва экспортбон маҳсулотлар яратиш бўлмайди.

Тадқиқотчилар келтирган маълумотлар шу нарсани изоҳлайдики, диверсификациялашув аниқ бир йўналишни, яъни давлат билан хусусий тадбиркорлар кучларини умумлаштириб, ҳаракат йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Бунда, масалаи, машинасозлик саноатида машиналарнинг янги авлодларини яратиш, яъни тизим бўйича энг илғор илмий билимларни замонавий технологияларда акс эттириш назарда тутилади. Мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар даврида миллий дастгоҳсозлигимиз анча эскирди ва айтиш мумкинки, ишлаб чиқариш эса импорт товарларга боғланиб қолмоқда.

Бу борада эндиликда сифат менежменти тизимини шакллантириш, маҳсулот сифати рақобатбардошлигини ошириш, шу орқали иқтисодий ўсишни таъминловчи модернизация стратегияси алоҳида аҳамият касб этади. Модернизация стратегияси, деганда, миллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришда иқтисодиётга замонавий, самарали техника ва технологияларни жалб қилиш механизми тушунилади.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатлари асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо, амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида" ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунинг эътиборга олган ҳолда, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорларида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим.



Манба: Мишин В.М. Управление качеством: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности "Менеджмент организации" (061100)/В.М.Мишин-2-е изд. Перераб.и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008, 40 с.

Изох: 1 – назорат усуллари таллаш; 2 – етказиб берувчиларни баҳолаш; 3 – эскироз ва материалларни қабул қилиш режасини ишлаб чиқиш; 4 – ўлчов асбобларни назорат қилиш; 5 – сифат нархининг оптималлашуви; 6 – сифатни таъминлаш тизимини таъкил этиш; 7 – маҳсулотнинг ишончлилигини аниқлаш; 8 – сифат усуллари самарасини аниқлаш; 9 – сифат нархини анализ қилиш; 10 – сифатни назорат қилиш технологиясини ишлаб чиқиш; 11 – сифатни назорат қилиш ва тескари алоқа; 12 – сифат ҳақида маълумотларни йиғиш тизимини ишлаб чиқиш; 13 – янги лойиҳаларни назорат қилиш; 14 – материалларнинг кириш назоратини амалга ошириш; 15 – ишлаб чиқариш эсараёнларини ва маҳсулотлар назоратини амалга ошириш; 16 – ишлаб чиқариш эсараёнлари анализи; 17 – сифатнинг умумий назорати.

Сифатни бошқариш ва рақобатбардошликни ошириш борасида ва ундаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда хорижий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратиш ва уларни яқиндан ўрганиш муаммоларини бартараф этишда амалий аҳамият касб этади.


¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 13.11.2010.

Сифатни бошқариш ҳақида назарий жиҳатдан Фейгенбаум моделига эътибор қаратсак. Ушбу модель учбурчак шаклида тасвирланган бўлиб, ҳар бир томони горизонтал чизиклар билан беш қисмга бўлинган. Вертикал чизиклар ўтказилганлиги учун ҳам учбурчак шакли 17 та қисмга бўлинган. Буларнинг марказида сифатни назорат қилиш жойлашган.

Эттингер – Ситтиг модели думалок шаклда тасвирланиб, секторларга бўлинади. Ҳар бир сектор маълум бир функцияни асослаб беради. Бу модель Фейгенбаум моделидан фарқли ўларок, талабнинг маҳсулот сифатига ва маҳсулот сотилишига бўладиган таъсирини ҳисобга олади.

Изоҳ:

- 1 – мақсад ва вазифалар;
- 2 – техник вазифа;
- 3 – лойиҳалаштириш;
- 4 – маҳсулот ишлаб чиқариш;
- 5 – сотиш;
- 6 – кафолагли хизмат кўрсатиш;
- 7 – маҳсулотни реализация қилиш;
- 8 – бозор;
- 9 – бозор доираси;
- 10 – бозор.



Расм. Эттингер – Ситтиг модели

Манба: Мишин В.М. Управление качеством: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальности "Менеджмент организации" (061100)/В.М.Мишин-2-с изд. Перераб.и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008, 40 с.

Японияда сифатни бошқариш тажрибаси қуйидагича шаклланган.

1950 йиллар ўртасига келиб, назоратнинг статистик усулларини жорий этиш ва умуман, сифатни назорат қилиш соҳасида юқори натижаларга эришилганлигига қарамасдан камчиликлар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқаришда стандартиш тамойиллари фақат расман амалга оширилган эди.

1960 йиллар бошида Японияда ташқи савдо учун енгил шароитлар яратилганлиги сабабли маҳсулот сифатини жаҳон даражасига кўтариш муҳим бўлиб қолди. Кўпчилик корхоналар сифатни бошқаришга катта эътибор қаратганликлари учун улкан натижаларга эришилди.

Япония корхоналарида истеъмолчилардан маҳсулот сифати ҳақида йиғилган маълумотлардан кенг фойдаланилади. Маълумот нафақат ўз маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари, балки рақобатчи корхоналарнинг маҳсулотлари ҳақида ҳам йиғилади. Сифатни ташкил қилиш амалиётида Тагути усули маълум бўлиб, у аввало, Япония саноатида, сўнг ғарб мамлакатларида кенг ишлатилди. Бу усул бўйича маҳсулот ҳаётийлик циклининг ҳар бир босқичида сифатни назорат қилиш амалга оширилади.

Мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар самараси ўларок, эндиликда ички бозорларимизнинг тўйиниш даражаси ўтган даврлардагига нисбатан юқорилиги яққол кўзга ташланмоқда. Аммо маҳсулотларимизнинг маълум қисми ҳали сифат талабларига тўла жавоб бера олмайди. Фикримизча, бу борадаги муаммоларни устувор тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишни янада жадаллаштириш ва хорижий мамлакатлар тажрибасига ёндашиш орқали бартараф этиб, импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Бу, сифат менежменти тизими шаклланишига туртки бўлиб, уни иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бирига айлантиради.

И. Акбаров

Юк транспорти хизматининг иқтисодий баҳолаш механизмини мукамаллаштириш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш даврида тариф сиёсатини самарали бошқариш, маҳсулотларни ташишнинг тор доирадаги фаолият турларига ихтисослашган транспорт хизмати тизимининг тезкор йўналишларда турли ташиш воситаларида маҳсулот (юк) ташишга асосланган самарали транспорт технологиялари ва жараёнларидан кенг қўламда фойдаланиш имкониятини юқориллаштириш ва мукамаллаштириш маълум иқтисодий аҳамият касб этади. Бу жараёнда умумий мақсад йўналиши (тизими)ни ўрнатиб, фаолият кўрсатиш эса техник, ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва ташқи муҳит билан боғлиқ. Ташқи муҳит ўзгариши транспорт тизимида таъсир этади. Бир тизим доирасида фаолият кўрсатаётган ходимлар орасида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий муносабатлар ўрнатилди. Бу турдаги тизимларга ташкилот (корхона, фирма компания)лар, тармоқлар, миллий иқтисодиётнинг ўзи ва бошқалар таъсир кўрсатади.

Бозор муносабати иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётни дунё миқёсида жадаллаштирмоқда, ташкилий тузилмалар фаолиятини бу хилдаги динамик жараёнлар суръатига мос равишда ўзгартириш масаласи ўз-ўзидан ниҳоятда долзарб муаммолар каторига киритилмоқда. Шу сабабдан транспорт воситалари ёрдамида маҳсулот ташиш хажмлари, сифати, етказиб бериш даражаси